

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



**Олий Мажлис**

**Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

2012 йил 16 ноябрь куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ва ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Мажлисида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 19 январидан республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларини тизимли ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда рўйбга чиқариш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ва Давлат бюджети параметрларини муваффақиятли бажаришни таъминлади. Беш асосий тамойил моҳиятидан келиб чиққан чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки сўнгги йиллар давомида Давлат бюджети профицит билан ижро этилишини таъминлаш имконини ҳам берди. Бу ҳол рес-

публикамизда ўтказилаётган солиқ ва бюджет сиёсати самарадорлиги, мамлакат тўлов баланси ҳолати барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозида, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодиёт ривожланишининг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини изчил ривожлантириш, иш ҳақи миқдорларини илдам ошириб бориш ва манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш белгиланган.

(Давоми 2-бетда).



«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Республикамизда баркамол авлод тарбиясига эътиборни кучайтириш, фарзандларимиз таълим олиши ва истеъдод қирраларини намойиш этиши учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар эшиги очилган. Жумладан, мактаб таълими йўналишида ёшларни ҳар томонлама етук, юксак қобилиятли қилиб тарбиялаш масаласи бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳар йили Давлат бюджетидан таълим соҳасини ривожлантириш учун етарли даражада маблағлар йўналтирилади. 2013 йилги Давлат бюджетидан ҳам 313 та мактабни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, 1500 тадан ортиқ умумтаълим муассасасини эса ҳозирги замон ўқув жиҳозлари, компьютер ва ўқув лабораториялари билан таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган.

### Хабарлар

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган амалий семинар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Республика маънавият тарғиботи маркази ҳамкорлигида ўтказилиб, унда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А. Абдувоҳидов, Республика маънавият тарғиботи маркази раҳбари Ф. Мирзаев Бош Қомусимиз фаровон ҳаётимиз, тинчлик-осойишталик, тотувлик ва диний бағрикенглик, мамлакатимизнинг халқаро ҳам-жамиятда обрў-эътибори мустаҳкамланишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиганини алоҳида эътироф этдилар.

Таъкидлаш муҳимки, Юртбошимизнинг шу йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Республика маънавият тарғиботи маркази томонидан аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, ўсиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Республикамиз миқёсида олий юқув юртлири, касб-хунар коллежлари, лицей ва мактабларда Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, қолаверса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қимматини ҳимоялашда муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўринга эга эканлигини ёритиб берувчи учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилаётганлиги ҳам тадбир давомида айтиб ўтилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН САМАРАСИ

Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарасида юртимизнинг чекка жойларида ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш муассасаларининг барпо этилаётганлиги халқимизни янада мамнун этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида истиқболли инвестиция лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилиб, ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Айниқса, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари мукамал таъмирдан чиқарилиб, замон талабига мос ҳолда жиҳозланмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги даволаш муассасаларини 2012-2013 йилларда мукамал реконструкция қилиш ишлари учун етарли миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари Нукус шаҳридаги 2-қурилиш бошқармаси томонидан фаоллик билан олиб борилмоқда.

Айтиш муҳимки, ушбу лойиҳа доирасида туман марказида фаолият бошлаган янги оилавий поликлиникада кунига 150 нафар беморни қабул қилиш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

– Мустаҳкам оила йили фаолиятимиз кўламини янада кенгайтди, десам янглишмайман. Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида барпо этилган оилавий поликлиникада 19 нафар малакали шифокор ва 30 дан ортиқ ҳамшира аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда, – деди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари С. Алламуратова. – Муассасамизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, беморларга аниқ ташхис қўйиш, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилган. Мавжуд имконият ва қулайликлар аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини ҳар томонлама шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ  
БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Мажлисида сўзга чиққан депутатлар таъкидладиларки, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши тахмин қилинаётганлиги, шунингдек, мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари 2012 йил якунлари бўйича юқори бўлиши кутилаётганлиги 2013 йилги бюджет параметрларини шакллантириш учун асос бўлди. 2013 йилда солиқ-бюджет сиёсати бўйича ўтказиш таклиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида Давлат бюджетининг даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари эса 22,3 фоизни ташкил этади. Давлат бюджетни тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилган.

Муҳокама чоғида солиқ ва бюджет сиёсати солиқ юкини янада камайтиришга, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, иқтисодий модернизациялашни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, шунингдек, макроиқтисодий мутаносиблик ва аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишини таъминлашга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни муваффақиятли рўёбга чиқариш келгуси йилда мамлакат иқтисодиёти зиммасига тушадиган солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз қисқаришини таъминлайди. Солиқ юкини янада қисқартириш чора-тадбирларидан бири сифатида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш таклиф этилди, бу эса жисмоний шахслар тасарруфидида 186 миллиард сўм қолиши имконини беради.

Депутатлар юридик шахсларнинг номоддий активлари (патентлар, лицензиялар, дастурий

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар) бўлган мол-мулки солиқ солиш объектдан чиқарилиши корхоналар фаолиятига инновацияларни кенг жорий этиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини ривожлантириш 2013 йилга мўлжалланган бюджет сиёсати ва Давлат бюджетни лойиҳасининг асосий йўналишлари эканлигига қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Бинобарин, Давлат бюджетининг лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштиришга жами харажатларнинг 59 фоиздан кўпи сарфланиши назарда тутилган.

**Давлат бюджетининг харажатларида 130 ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринга мўлжалланган 5 та сил касалликлари санаторийси, шунингдек, 5800 нафар шифокор хузурига келувчи ва 7600 нафар беморни қабул қила оладиган 54 та туман тиббиёт муассасаси қуриш ва уларни реконструкция қилиш белгиланган. Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилган “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдаги ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.**

313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва касбхунар коллежи Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланади ва реконструкция қилинади. 1500 тадан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700 та академик лицей ва касб-хунар коллежи ҳозирги замон ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув лабораториялари билан таъминланади. 54 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, 137 та спорт зали ва 25 та болалар спорт объекти қуриш, уларни капитал таъмирлаш ва

жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2,8 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Бу эса жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 22 фоизга кўп. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни сув ресурслари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга 1,4 триллион сўм сарфлаш мўлжалланган. Бундан ташқари, мелиорация шохобчаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш дастури доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари ҳисобидан мелиоратив ишлар амалга оширилади. Натижада 300 минг гектар экин майдонининг ҳолати яхшиланади, бу ишларга 227 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Ирригация иншоотларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва республикадаги аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилашга жорий йилдаги нисбатан 23 фоиз кўп марказлашган инвестиция йўналтирилган.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлашга жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 1,69 марта кўп харажат қилинади. Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан халқаро ва республика аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг сифатини яхшилашга 661 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Энг замонавий мезонларга мос келадиган бир қатор кўприк ва йўл ўтказгичлар, 526 километр узунликдаги автомобиль йўллари қуриш режалаштирилган.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шaroитларини яхшилаш учун Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурини рўёбга чиқариш доирасида 326 та қишлоқ массивларида 8510 та замонавий уйлар қуришни таъминлаш учун 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш назарда тутилган.

Аҳолини, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини яхшилашга 2012 йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 2 марта кўп маблағ сарфлаш, 654 километр масофада сув қувурла-

ри ўтказиш режалаштирилган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юкини эса камайтириш муҳимлигини таъкидладилар. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ўз чиқишларида иқтисодиётни янада либераллаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни маъқулладилар. Президентимизнинг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида фермерликни янада ривожлантириш учун белгиланган янги имкониятларни амалга ошириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари фикрига кўра, 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган, ажратилаётган кўп миқдордаги бюджет маблағлари эса иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини янада ошириш йўли билан аҳоли фаровонлигини изчил яхшилаб боришга йўналтирилган. Бундан ташқари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар Давлат бюджетни, унинг барча параметрлари белгиланган муддатларда сўзсиз ижро этилиши устидан парламент ва депутатлар назоратини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Бу барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг жуда муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси вакиллари мамлакатимиздаги экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ҳамда хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шaroитлар яратиш муҳимлиги, бу эса миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаши ҳамда қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли бўлишини таъ-

кидладилар. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун божхона тўловлари бўйича тенг шарт-шaroитлар ва рақобат муҳитини яратиш мақсадида мол-мулк олиб кириш чоғида унга солиқ солишининг ягона тартиби жорий қилинганлиги, чет эл инвестицияларига эга бўлган янги ташкил этиладиган корхоналар бундан мустасно эканлиги ва уларга ташкил топган пайдидан бошлаб 2 йил муддатга имтиёз берилиши ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси депутатларининг фикрига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётини бундан буён ҳам барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан фан-техника ва инновацион технологияларни муттасил ривожлантириб боришга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида давлат илмий-техника дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналарини модернизация қилишга мўлжалланган харажатларни ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳасини маъқуллаб, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрига кўра, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни ифлослантиришни истисно этувчи замонавий технологияларни жорий этишни ҳам унутмаслик лозим.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаб ва тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати.**

## Семинар

## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги «Халқаро ҳамкорлик маркази»да «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг йигирма йиллиги доирасида ташкил этилди.

Семинарни кириш сўзи билан очган соғлиқни сақлаш ва зирининг ўринбосари А. Худаяров Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига тўхталиб ўтар экан, ушбу ташкилотнинг йигирма йил давомидаги фаолиятига ҳам алоҳида урғу бериб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Бол-

гария, Жанубий Корея, Қозғистон шифокорлар ташкилотлари вакиллари ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларини қутлаган ҳолда, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда кучайтириш борасидаги бўлажак режа ва лойиҳалар хусусида фикр алмашишди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ҳамкорлик бобида кенг қиррали фаолият юритаётир ва бу хорижлик мутахас-

сислар учун тажриба алмашиш жараёнларини янада кенгайтиришда яхши имкониятдир.

Семинар давомида мутахас-сислар томонидан долзарб мавзуларда маърузалар қилинди.

Тадбир якуни сифатида барча таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг резолюцияси тасдиқланди.

Тадбир доирасида шунингдек, Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг йигирма йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Диёра БОЗОРОВА.





Самарқанд вилояти

## УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЪЛИМ – ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тиббиёт шундай соҳаки, унда фаолият юри-  
таётган мутахассислар ўз малакасини доимий  
ошириб бориши билан бир қаторда, узлук-  
сиз касбий таълим жараёнларини ҳам ўзлаш-  
тириши зарур. Зеро саломатлик посбонларининг  
асосий вазифаси инсон саломатлигини муҳофаза  
қилиш ва сақлашдан иборат экан, демак, улар  
билимини том маънода ҳар куни ошириб  
бориши муҳимдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида кадрлар  
масаласига катта эътибор қаратиб келинмоқда.  
Бу борада айниқса кадрларни тай-

ёрлаш ва қайта тайёрлаш, аттестация қилиш,  
шунингдек узлуксиз касбий таълим жараёнлари  
босқичма-босқич олиб борилаётганлиги  
қувонарлидир. Шу ўринда айтиш жоизки, Соғ-  
лиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Саломат-  
лик-1, 2” ва “Аёллар ва болалар соғлигини мус-  
таҳкамлаш” лойиҳалари доирасида амалга оши-  
рилган узлуксиз касбий таълим жараёнлари  
бугунги кунда ўз ижобий натижаларини бериб,  
биринчи навбатда мутахассисларнинг билими  
ва тажрибаси ошган бўлса, иккинчидан тиб-  
бий хизмат сифати яхшиланиб, аҳолининг со-  
ҳага бўлган ишончи янада ортди.

Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Сало-  
матлик-3” лойиҳаси дои-  
расида вилоят ва туман соғ-  
лиқни сақлаш муассасалари  
раҳбарлари учун узлуксиз  
касбий таълим жараёнлари-  
нинг давоми сифатида ориен-  
тацион семинарлар бошлан-  
гани фикримиз далилидир.

Жорий йилнинг 16 ноябрь  
куни хизмат сафари билан Са-  
марқанд вилояти соғлиқни  
сақлаш бошқармасига қараш-  
ли тиббиёт муассасаларида  
бўлиб, вазирлик ва “Саломат-  
лик-3” лойиҳаси томонидан  
ташқил этилган семинарда  
иштирок этдик. Ушбу тадбир-  
да соғлиқни сақлаш бошқар-  
маси бошлиғининг биринчи  
ўринбосари, лойиҳани амал-  
га ошириш вилоят бюроси  
директори, ВКТМ ва ВБКТМ  
раҳбарлари, ТТБ бошлиқла-  
ри, вилоят соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бош ҳамширалари  
қатнашди.

– Маълумки, бундай доира-  
да ташқил этилаётган семи-  
нарнинг мақсади вилоят соғ-  
лиқни сақлаш бошқармаси ва  
даволаш-профилактика муас-  
сасалари раҳбарларига, бир-  
ламчи тизим тиббиёт ходим-  
лари учун узлуксиз касбий  
таълимни татбиқ этиш, далил-  
ларга асосланган амалиёт ус-  
луби ва дори воситаларининг  
самарали қўлланилиши, тиб-  
бий ёрдам сифатини ошириш-  
нинг аҳамияти, шахслараро  
мулоқотнинг асосий тамойил-  
лари билан ахборот бериш  
орқали таништириб бориш-  
дир, – дейди суҳбатимиз  
аввалида “Саломатлик-3”  
лойиҳаси маслаҳатчиси  
Маъмура Юсупова. – Бун-  
дан кутилаётган натижа шун-  
даки, вилоят ва туман миқё-  
сидаги соғлиқни сақлаш  
муассасаларининг масъул хо-  
димлари туман марказий ши-  
фохонаси, туман кўп тармоқ-  
ли марказий поликлиникаси  
тиббий ходимларини узлуксиз  
ўқитиш асосида тиббиёт  
муассасаси ишини яхшилаш  
қаторида доимий равишда ўз

фаолиятларини ҳам баҳолаб  
боришлари зарур. Даволаш  
муассасалари ходимлари да-  
лилларга асосланган тиббиёт  
ва дори воситаларини самара-  
ли қўллаш тамойилларини би-

3. Туман марказий шифохо-  
наларида тиббий хизматни ях-  
шилаш бўйича тадбирлар иш-  
лаб чиқиш усуллари, далиллар-  
га асосланган тиббиёт ва ама-  
лиёт билан таништириш.



лиши лозим. Чунки улар ўз  
кундалик фаолияти давомида  
бошқа ходимлар ёки мижозлар  
билан мулоқотда бўлганида,  
ўзига яраша муаммоларга дуч  
келиши мумкин. Муаммолар-  
ни бартараф этишда эса шах-  
слараро мулоқот кўникмалари  
ёрдам беради. Вилоят шифо-  
хонасининг бош ва етакчи му-  
тахассислари (шифокорлар ва  
ҳамширалар) туман марказий  
шифохонаси врачларини ўқи-  
тиш учун маҳаллий тренерлар  
сифатида жалб этилади. Семи-  
нар давомида эса тренерлар  
катта ёшдаги аудиторияни  
ўқитиш тамойилларини ҳам  
ўрганadi. Бундан кўзланган  
асосий вазифалар қуйидагича:

1. Бирламчи соғлиқни сақ-  
лаш тизими раҳбарларини уз-  
луксиз касбий таълимни ўқи-  
тиш босқичлари ҳамда “Сало-  
матлик-3” лойиҳасини амалга  
ошириш доирасидаги режа ва  
дастурлар билан таништириш.  
2. Бирламчи соғлиқни сақ-  
лаш тизими муассасалари дои-  
расида тиббий хизматни баҳо-  
лаш усуллари ҳақида маълумот  
бериш.

4. Дори воситаларини ра-  
ционал қўллаш тамойиллари  
ҳақида маълумот бериш.

5. Шахслараро мулоқот та-  
мойилларига ўргатиш.

Жойларда ўтказилаётган се-  
минарларда бирламчи соғлиқ-  
ни сақлаш тизими тиббиёт хо-  
димлари билан узлуксиз кас-  
бий таълимни татбиқ қилишда-  
ги муаммоларни ҳал этиш  
йўллари, шунингдек туман мар-  
казий шифохонаси тиббиёт хо-  
димларини ўқитиш режаси,  
дастури ва ташқил қилиш ма-  
салалари муҳокама қилинаётир.

Шунингдек, тиббий хизмат  
сифатини баҳолаш тамойилла-  
ри, сифат кўрсаткичларини  
ошириш юзасидан тадбирлар  
режасини ишлаб чиқиш хусуси-  
да фикр алмашилиб, далиллар-  
га асосланган амалиёт ва дори  
воситаларини рационал қўллаш  
борасида ҳам маълумот бе-  
рилмоқда. Тингловчилар шах-  
слараро мулоқот тамойиллари-  
ни қўллаш йўналишларидан ҳам  
воқиф этилади.

Худудий семинарлар Сир-  
дарё, Андижон, Хоразм вило-  
ятлари ҳамда Қорақалпоғистон



Республикасида ҳам ўтказил-  
ди. Қолган вилоятларда ҳам ма-  
зкур узлуксиз таълим жараёнла-  
ри олиб борилиши кўзда тутил-  
ган. Кенг аудиториядаги дарс  
машғулотларида муҳим маълумотлар  
бериб борилди, шунингдек ишти-  
рокчилар томонидан киритилган  
таклиф, фикр ва мулоҳазалар ўр-  
тага ташланиб, муҳокама қилинди.  
Самарқанд вилоятидаги семи-  
нарда иштирок этар эканмиз,  
“Саломатлик-3” лойиҳаси мас-  
лаҳатчилари томонидан тизим-  
даги барча иш фаолияти жара-  
ёнлари, вазирликнинг буйруқ-  
лари бўйича қамраб олинган  
машғулотлар, семинарни ўткази-  
ш ва унинг доирасида қўл-  
ланиладиган материаллар ҳам  
эътиборимизни тортди.

– Туман тиббиёт бирлашма-  
лари ходимлари учун 2011-  
2016 йиллардаги узлуксиз кас-  
бий таълим бўйича ўқув дастур-  
лари ишлаб чиқилади, – дей-  
ди семинарда қўлланиши  
мумкин бўлган материаллар  
тўғрисида маълумот бериб,  
“Саломатлик-3” лойиҳаси  
маслаҳатчиси Назира Нур-  
мухамедова. – Аввало вилоят  
шифохоналари мутахассисла-  
ридан беш-олти кунлик семи-  
нарларда мастер-тренерлар  
тайёрланади. Ўз навбатида,  
улар шаҳар ва туман даража-  
сидаги маҳаллий тренерлар  
учун семинарлар ўтказади.  
Шаҳар ва туман даражасидаги  
тренерлар эса ТТБ ва ҚВП  
врачлари учун уч кунлик семи-  
нарлар ташқил қилиб боради-  
лар. Бу кўламдаги тадбирлар-  
ни ўтказиш учун тренерлар  
ўқув ва тарқатма материаллар,  
DVD дискига туширилган тақди-  
мотлар билан таъминланади.  
Улар учун тайёрланган ўқув ма-  
териаллар таркибига вазиятли  
масалалар тўплами, образли

ўйин сценарийлари, босқич-  
ма-босқич ёзилган амалий  
кўникмалар, кун давомида  
ўтилган мавзуларни такрор-  
лаш учун саволлар ва тест  
саволлари киритилади.

Суҳбатдошимиз маълумо-  
тига кўра, ўқув дастури ва  
ўқув материалларини ишлаб  
чиқиш учун Тошкент врачлар  
малакасини ошириш институ-  
ти кафедралари ўқитувчилари,  
илмий-текшириш институ-  
тлари ёки ихтисослашти-  
рилган илмий марказлар му-  
тахассислари, умумий амали-  
ёт врачлар малакасини оши-  
риш ва қайта тайёрлаш ка-  
федралари (курслари) ўқи-  
тувчилари жалб қилинади.  
Шу аснода мастер-тренерлар  
учун тренинг, вилоят миқёси-  
даги ҳамда туман тиббиёт  
бирлашмасидаги семинарлар  
босқичма-босқич олиб бори-  
лади. Бунинг баробарида ви-  
лоят ўқув марказлари фао-  
лияти янада яхши йўлга қўйи-  
либ, керакли жиҳоз ва ўқув  
қуроллари билан ҳам таъмин-  
ланиши лозим.

Дарҳақиқат, ушбу семи-  
нарлар ўтказилаётганлиги бе-  
жиз эмас ва бу борада узлук-  
сиз тиббий таълимни татбиқ  
қилиш лойиҳасининг масъул  
ходимларидан кучли эътибор  
ва масъулият талаб этади.

Семинар тингловчилари  
биз билан суҳбатда ушбу ўқув  
жараёнлари келгусидаги иш-  
ларда асосий мезон бўлиб  
хизмат қилишига ишонч  
билдиришди. Демак, бундан  
шу далолатки, семинарлар  
“Саломатлик-3” лойиҳаси до-  
ирасидаги иш фаолияти из-  
чиллигини ошириш билан  
бир қаторда, аҳолига кўр-  
сатилаётган тиббий хизмат  
сифатини кўтаришда ҳам му-  
ҳим аҳамият касб этади.



Давлатимизнинг соғлиқни сақлаш тизими-га бўлган эътибори боис бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замон талабларига мос тиббиёт муассасалари барпо этилиб, аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида аҳолий ишлар амалга оширилаётганлиги амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Айниқса Инвестиция дастурлари доирасида тиббиёт масканларининг янги кўриниши ўзига хос қиёфа касб эт-

ган ҳолда жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланмоқда. Бу, албатта, юртимизда аҳоли соғлиғига бўлган ғамхўрликнинг амалий натижасидир. Ана шундай масканлардан бири – Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туман тиббиёт бирлашмаси ҳам мазкур Инвестиция дастури доирасида капитал таъмирдан чиқарилиб, барча қулайликларга эга бўлган ҳолда жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилди.

# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА ФИДОЙИЛИК

## самарали фаолиятимизнинг бош мезони

Самарқанд марказидан юз километр узоқликда, тоғ ёнбағирларида жойлашган Қўшрабат туманига кириб борар эканмиз, аввало у ернинг сўлим табиати, мусаффо ҳавоси, қолаверса, инсонларнинг самимийлиги қалбимизни қувонтирган бўлса, туман тиббиёт бирлашмасининг ташқи кўриниши бугунги кунда тиббиёт соҳаси раванқ топиб бораётганидан далолат бериб турарди.

Айниқса муассаса ҳудудидаги ободонлаштириш, қўлаамзорлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги на-

эди. Тоғли ҳудудларда кўп ҳолларда шошилиш ёрдамга муҳтожлик, шунингдек фавқулоддаги вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ана шундай ноқулайликларни инобатга олган Давлат дастурига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда туманимизда 22 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу муассасалар «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Му-

ва «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланган. Бу, албатта, давлатимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатига эътибор ва ғамхўрлиги, қолаверса, тиббиёт аҳлининг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошишида муҳим қадамдир.

Бугунги кунда «Саломатлик-3» лойиҳаси бошлангани ҳам аҳолиимизга янада қулайликлар яратиши, шубҳасиз. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника, терапия, болалар, юқумли касалликлар бўлимларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек мутахассис-кадрларни ўқитиш, бунинг натижасида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш даражасини оширишдан иборатдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий қулайлик – бу аҳолининг таклифларидан келиб чиққан ҳолда бирлашма таркибидаги барча бўлимлар бир жойда жойлашганлигидир.

Шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган тиббиёт муассасаси айни кунда «Саломатлик-3» лойиҳаси маслаҳатчиларининг таклиф ва режаларига биноан замонавий жиҳозлашга тайёрлаб қўйилди. Эндиликдаги вазифамиз кутилаётган тиббий асбоб-ускуналарни аҳоли саломатлиги йўлида самарали ишлатиш ва хизмат сифатини юқори даражага кўтаришдир.

Кўп тармоқли поликлиника шароитлари билан танишар эканмиз, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги режага мувофиқ жиҳозлашга тайёрланаётган хоналар талаб даражасида эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Биргина поликлиникада эмас, балки барча бўлимларда зарур шароитлар яратилганлиги муассаса фаолияти мажмуавий равишда изчиллик билан олиб борилаётганидан дарак бериб турибди.

Ушбу жараёнда бирлашмада мутахассисларнинг узлуксиз тиббий таълим бўйича касб малакасини ошириш ма-



### Дил изҳори

Иккинчи фарзандим туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимида барча қулайликлар бўлган шароитда ва малакали мутахассисларнинг ғамхўрлиги остида дунёга келди. Аввало мен бу ердаги ўзгаришларни кўриб, хурсанд бўлдим. Айниқса туғиш олди залидаги шароитлар менга ёқди. Фарзандим туғилгач, бизга парвона бўлиб, ширин сўзларини аямаган акушер-гинеколог, санитар ходимлардан миннатдорман.

Хоналарнинг озодлиги, доя ва ҳамшираларнинг маслаҳатлари, буклет, тарқатма материаллар билан таништиришлари ёш оналар учун катта ёрдам бўлди.

Фарзандим дунёга келгунча «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари назоратида бўлиб, ўз вақтида керакли тавсияларга амал қилдим. Натижада, шўқри, фарзандим соғлом туғилди.

Оналар ва фарзандлар, келажакни ўйлаб, ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга барча самимий тилақларимизни билдириб қоламиз.

Орзигул ФАНИЕВА.



салаларига ҳам эътибор қаратдик. Бу борадаги фаолият билан танишув чоғида фақат «Ҳамширалар ўқув хонаси» мавжудлигини кўрдик. Мазкур ўқув хонаси Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси Самарқанд филиали, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкам-

лаш» лойиҳаси ҳамкорлигида жиҳозланган ва зарур услубий қўлланмалар билан таъминланган.

Афсуски, «Врачлар ўқув хонаси» мавжуд эмаслигига гувоҳ бўлдик. Ушбу ҳолатга масъул ходимлар жиддий ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалий фаолият замирида билим ва тажриба ётганлигини жуда яхши биламиз. Бу борада узлуксиз таълим жараёнлари давомийлиги асосий ўринга эга эканлигини ҳар бир раҳбар-ҳодим унутмаслиги лозим. Зеро кундан-кунга ривожланиб бораётган тиббиётимиз ҳар бир мутахассисдан билим, тажриба, талабчанлик, ташаббускорлик, қолаверса, қаттиққўлликни талаб этмоқда. Шу боис узлуксиз таълим жараёнларига жиддий ёндошган ҳолда ўқув-семинарларни ўз вақтида ўтказиб бориш кўзланган мақсадлар юзага чиқишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.



заримиздан четда қолмади. Инвестиция дастурлари асосида оптимизация қилинган ушбу шифо маскани бўлимларининг ўзига хослиги, аҳоли учун кенг қулайликлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик.

– Фахрлансак арзийдики, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса пойтахтимиздаги етакчи клиникалар фаолияти ривожланган мамлакатлар шифохоналаридан қолишмайди даражада йўлга қўйилганлиги юртимиз аҳлини мамнун этмоқда, – дейди Қўшрабат туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг амбулатория-поликлиника ёрдами бўйича ўринбосари – кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси мудири Бахтиёр Қаршиев. – Эътирофлиси, Юртбошимизнинг бирламчи бўғинга қаратган эътиборлари боис чекка-чекка ҳудудларда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилиниб, касалликларнинг олдини олиш, инсонлар умрини узайтириш, умуман, халқимиз саломатлигига бўлган эътибор янада кучайиб бормоқда.

Тоғли ҳудудда жойлашганимиз ҳамда шаҳар марказидан юз километр узоқликда бўлганимиз боис, авваллари аҳолиимиз қийинчиликлар билан марказий шифохоналарга мурожаат қилар

тахассисларимиз ўн ойлик ўқув курси бўйича умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлган. Ҳамшираларимиз эса «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларида иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини оширдик.

Буларнинг тасдиғи сифатида айтмоқчиманки, 2008-2009 йилларда «Тегирмоновул» ва «Шовона» қишлоқ врачлик пунктлари «Йилнинг энг намунали қишлоқ врачлик пункти» номинациясига сазовор бўлди. Ушбу ютуқлар қаторида «Тегирмоновул» ҚВП мудири Куроқбой Синдоров «Меҳнат шўхрати» ордени, «Қовунчи» ҚВП мудири Иноят Аркаев «II даражали соғлом авлод учун»



# «ЗДОРОВЬЕ-3»: ПРОЦЕСС РЕФОРМИРОВАНИЯ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

**Более десяти лет в Узбекистане продолжается процесс реформирования системы здравоохранения. Путем поэтапного реформирования организационных структур формируется совершенно новая национальная модель системы. Это стало возможным благодаря внедрению новых требований к качественной медицинской помощи на основе современных международных стандартов, в то же время с учетом специфических особенностей народонаселения.**

Весомой частью проводимых реформ являются формирование широкой сети государственных учреждений первичной медико-санитарной помощи, комплектование профессиональными врачами общей практики, оснащение этих подразделений современным диагностическим и лечебным оборудованием, а также оказание населению республики бесплатной медико-санитарной помощи.

ценные высокотехнологической спецтехники.

Логическим продолжением большой работы по реформированию системы здравоохранения стало Постановление Президента страны 7 сентября 2011 года «О мерах по реализации проекта «Совершенствование системы здравоохранения (Здоровье-3)» при финансовом сотрудничестве с Международной ассоциацией развития Всемирного банка, на осно-

сти, территориальных медицинских и финансовых структур, инжиниринговых компаний, проектных и подрядных организаций, коммунальных учреждений, государственного архитектурно-строительного надзора. Для координации работы по реализации проекта в каждой области образовано региональные бюро, руководителем которого является секретарь региональной комиссии по контролю выполнения Государственной инвестиционной программы по строительству и реконструкции учреждений здравоохранения.

Стоит отметить, что одной из важнейших задач этой комиссии является организация всего комплекса работ по капитальному ремонту, реконструкции и новому строительству учреждений здравоохранения по обновленным строительным нормативам, соответствующим международным стандартам. Для достижения этого уровня Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству подготовил семь обновленных и пересмотренных нормативных документов, которые вступили в силу с 1 августа 2011 года.

Данные нормативные документы служат основой при подготовке проектными организациями проектно-сметной документации на капитальный ремонт, реконструкцию и новое строительство. По мере готовности проектно-сметной документации на объекты, включенные в Государственную



Корақалпоғистон Республикаси Эллиққал'а туман тиббиёт бирлашмаси.

Особое место в осуществлении намеченных целей и задач в сфере занимают проекты «Здоровье-1», «Здоровье-2», «Укрепление здоровья женщин и детей», «Оснащение отделений экстренной медицинской помощи». С 1998 по 2011 годы в ходе реализации этих проектов с привлечением кредитов Всемирного банка, Азиатского банка развития и Исламского банка сельские врачебные пункты, родильные комплексы центральных районных больниц, отделения экстренной медицинской помощи на всей территории республики оснащены современным оборудованием и специальной мебелью.

Также было проведено обучение всего медицинского персонала. Кроме того, для постоянного повышения ими своего профессионального уровня и навыков эти учреждения были обеспечены необходимой литературой. На базе центральных районных больниц стали организовываться учебно-обучающие классы для врачей и медицинских сестер сельских врачебных пунктов.

По итогам работы за этот период в нашей республике стали функционировать 3195 сельских врачебных пунктов, которые введены в эксплуатацию как за счет нового строительства, так и реконструкции зданий иного профиля под СВП.

В помощь врачам первичного звена во всех регионах на базе центральных районных больниц созданы условия для углубленного обследования пациентов, организованы отделения экстренной медицинской помощи и диагностические центры, осна-

вани которого был подготовлен соответствующий приказ Министерства здравоохранения. Оба документа отражают все процедурные вопросы по подготовке и реализации проекта «Совершенствование системы здравоохранения (Здоровье-3)».

На подготовительном этапе, предшествующем открытию проекта «Совершенствование системы здравоохранения», Министерством здравоохранения Узбекистана были сформированы комиссии для проведения всех необходимых процедур, укомплектованы документы, составлены адресные списки объектов под оснащение медицинским оборудованием.

В соответствии с Постановлением Президента страны от 27 декабря 2011 года «Об инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2012 год» были утверждены в том числе объекты здравоохранения, вошедшие в адресный список по оснащению в рамках проекта «Совершенствование системы здравоохранения». Во всех регионах республики созданы региональные комиссии по контролю за выполнением Государственной инвестиционной программы по строительству и реконструкции учреждений здравоохранения, в состав которых вошли руководители местных органов вла-



Хоразм вилояти Богот туман тиббиёт бирлашмаси ташаруфидоғи кўп тармоқли марказий поликлиникаси.

инвестиционную программу, проводятся конкурсные тендерные торги для определения организации по выполнению подрядных работ.

В 2010 году начаты работы по капитальному ремонту и реконструкции объектов в Кегейлийском, Муйнакском, Турткульском РМО Республики Каракалпакстан, Кушрабатском РМО Самаркандской области, Навбахорском РМО Навоийской области, Шерабадском РМО Сурхандарьинской области, Янгиарыкском РМО Хорезмской области. Анализируя ход выполнения этой программы, необходимо отметить, что по состоянию на 1 января 2012 года на ряде объектов учреждений здравоохранения уже были завершены работы. После капитального ремонта сданы в эксплуатацию Кегейлийское, Муйнакское, Турткульское, Кушрабатское, Янгиарыкское РМО.

В Кашкадарьинской области в Камашинском РМО введен новым строительством комплекс зданий главного корпуса центральной рай-



онной больницы (ЦРБ). В Кушрабатском РМО (Самаркандская область) закончен капитальный ремонт отделений ЦРБ.

